**01-10/03**
**27.09.2024 й.**

**Танлов комиссияси**

**БАЁННОМАСИ**

2024 йил “ 27 ” сентябрь Навоий шаҳри

| | | |
|---|---|---|
| **Раис:** | - | Н.Турсунов - Навоий вилояти ҳокими |
| **Комиссия аъзолари:** | - | Р.Сулаймонов - вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси,<br>Э.Авезов - вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи бошлиғи, комиссия котиби,<br>Ф.Казаков - вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бошлиғи, комиссия аъзоси,<br>Қ.Астонов - вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, комиссия аъзоси,<br>Ф.Хасанов - вилоят ҳокимининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шуъбаси бошлиғи,<br>С.Қодиров - вилоят ҳокимлиги ҳудудларда мастер режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш бўйича лойиха офиси раҳбари |
| **Таклиф қилинганлар:** | - | Т.Тўхтаев - Давлат ҳизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали инспектори,<br>ОАВ вакиллари (Навоий вилоят телерадиокомпанияси, “Ўзбекистон-24” телеканали). |

**Йиғилиш кун тартиби:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигида мавжуд бўш вакант иш ўринларига номзодларни танловнинг суҳбат босқичидан ўтказиш тўғрисида.**

Вилоят ҳокимлиги ҳудудларда мастер режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш бўйича лойиха офисининг 2 та бош мутахассиси лавозимларига жами 60 нафар номзодлар хужжат топширган бўлиб, танлов комиссияси томонидан ўтказилган саралашдан сўнг, вилоят ҳокимлиги Лойиха офисининг 2 та бош мутахассиси лавозимига 13 нафар номзодлар тест босқичига ўтказилди.

Лойиха офисининг 2 та бош мутахассиси лавозимига 9 нафар номзодлар тест синови босқичидан ўтиб, суҳбат босқичига ўтказилди.

Субат Лойиха офисининг 2 та бош мутахассиси лавозимига 4 нафар номзодлар иштирок этди.

Суҳбат давомида Комиссия аъзолари номзодларнинг намунавий шахсий фазилатларига, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишга таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши, стратегик ва таҳлилий фикр юрита олиши, қарорларни тез қабул қила олиши ҳамда уларни бажара олиши, юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали бажара оладиган, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиши, охирги бир йил давомида давлат органлари ва ташкилотларидан салбий сабабларга кўра белгиланган тартибда бўшатилмаганлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилди.

Танлов якуни билан комиссия аъзоларининг якуний овоз бериш хулосаларига асосан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳудудларда мастер режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш бўйича лойиха офисининг 2 та бош мутахассиси лавозимининг бирига Наимжонов Достонбек Комилжон ўғлининг номзоди муносиб кўрилди ҳамда лойиха офисининг 2-бош мутахассиси лавозимига ҳеч бир номзод муносиб кўрилмади.

**Танлов комиссияси раиси:** ____________ **Н.Турсунов**

**Танлов комиссияси котиби:** ____________ **Э.Авезов**

**Танлов комиссияси аъзолари:** ____________ **Р.Сулаймонов**

____________ **Ф.Казаков**

____________ **Қ.Астонов**

____________ **С.Қодиров**

____________ **Ф.Хасанов**

**Баённома билан танишдим:** ____________ **Д.Наимжонов**